

Рўза ва унинг аҳамияти

05:00 / 11.01.2017 2815

Билинг! Дарҳақиқат, рўзада мавжуд бўлган хусусият ундан бошқа нарсада йўқ. Нега деганда, рўзани Аллоҳ таоло Ўзига нисбат берган. Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло айтади: «Рўза мен учун ва унинг ажру-савобини Ўзим бераман». Бу нисбатнинг ўзи унинг нақадар шарафли эканига кифоя этади, чунончи «Уйимни пок этинг» (Ҳаж сураси, 26-оят), деган каломиди Каъба нисбатини ўзига хос этганидек.

Рўза икки маънога нисбатан фазилатли бўлади:

1. Рўза сир ва ботиний, яъни ички амал. Уни ҳеч қачон халқ кўрмайди ва унга риё аралашмайди.
2. Рўза Аллоҳ душманлари учун хафалик, хорлик, зеро у шаҳват душманларига васила. Дарҳақиқат, шаҳват ейиш ва ичиш билан қувватланади. Модомики, шаҳват ерлари унумдор экан, бас, бу экинзорларга шайтонлар албатта қадам босиб келади. Шаҳватларнинг тарк этилиши уларнинг йўлларини тўсиш ва беркитишдир. Рўзанинг фазилатига далолат этадиган хабарлар жуда кўп ва улар машҳур.